

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.30/03.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМАТОВА НУРЖАМОЛ НОРМАТОВНА**

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИҚТИСОДИЁТ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЛАБАЛАРИНИНГ ОЎЗАКИ НУТҚ КЎНИКМАЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Норматова Нуржамол Норматовна**

Инглиз тилини ўқитишда иқтисодиёт йўналиши талабаларининг оғзаки нутқ  
кўникмаларини ривожлантириш ..... 3

**Норматова Нуржамол Норматовна**

Развитие навыков устной речи студентов экономических направлений при  
обучении английскому языку ..... 29

**Normatova Nurjamol Normatovna**

Developing the oral speech skills of the students of economical departments in  
teaching English..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.30/03.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМАТОВА НУРЖАМОЛ НОРМАТОВНА**

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИҚТИСОДИЁТ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЛАБАЛАРИНИНГ ОЎЗАКИ НУТҚ КЎНИКМАЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1116 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ҳошимова Дилдора Урибоевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Рашидова Феруза Мусасевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Шерматов Акрам Абдуҳакимович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» август соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60.00 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» июль кuni тарқатилди.  
(2021 йил «14» июль даги №26 рақамли реестр баённомаси).

  
**И.М.Тухтасинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

**Ш.С.Ашуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**Ш.С.Сафаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сиёсий ва иқтисодий жабҳалардаги глобаллашув жараёни халқаро тажриба алмашинувини сезиларли даражада кенгайтириш билан бир қаторда, таълим соҳасига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Тил билиш ҳақиқий иқтисодий қийматга эга бўлган бугунги кунда, хорижий тилларни ўқитиш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-маърифий ҳамкорликларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Польша, Россия ва бошқа кўплаб давлатларда нофилологик олий таълим муассасалари талабаларига хорижий тилларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз ўрнида, мамлакат ва минтақалараро дипломатик алоқаларнинг кенгайишида муносиб ҳисса қўша оладиган, турли мураккаб профессионал масалаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали иқтисодчи кадрларни тайёрлашга бўлган талаб ҳам кучаймоқда.

Жаҳон амалиётида, тил тажрибаси ва касбий таълим шароитини инобатга олган ҳода, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, нофилологик йўналишларда инглиз тилини ўқитиш мазмуни ESP (махсус мақсадларда инглиз тили), нофилологик олий таълим муассасаларида айрим фанларни инглиз тилида ўқитиш CLIL (Stand for Content and Language Integrated Learning), EMI (English as a Medium of Instruction), STEM (Science, Technology, Engineering, Math), on-line таълимни ривожлантириш ва бунда талабалар билимини баҳолашнинг DPAP (Digital Practices and Assessment Pedagogy) каби таълим шакллари жорий қилиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, ушбу хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ҳамкорлик тадқиқотларини олиб бориш заруриятга айланганини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасалари талабаларининг хорижий тилдаги оғзаки нутқини ривожлантириш, уларда ушбу тилда ўз таълим йўналишлари доирасида эркин мулоқот қилиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган комплекс таълим тизими яратилмоқда. “Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш лозимлиги” каби вазифалар белгиланган<sup>1</sup>. Бозор иқтисодиётида полиглот кадрларга бўлган талаб ортиб бораётганлигидан келиб чиққан ҳолда, методик ишларни ташкил этиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт йўналишларида касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, шу жумладан, талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 24 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш методикаси бўйича Ж.Ж.Жалолов, В.И.Андриянова, Т.К.Саттаров, О.В.Кон, Л.Т.Ахмедова, Д.У.Хашимова, И.М.Тўхтасинов, Ш.С.Ашуров каби олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган<sup>1</sup>.

Ўзбек услубшунослик мактабида олий ўқув юртлари нофилологик йўналиш талабаларининг инглиз тилидаги коммуникатив компетенциясини, хусусан, турли таълим босқичларидаги тил ўрганувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга қаратилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, М.Х.Қараходжаева, Г.Т.Махкамова, Г.Н.Ирмухаммедова, Ф.И.Икромхонова, А.Г.Складаниук, Н.Х.Кушиева, Д.М.Исроилова, У.К.Носироваларнинг ишларида ушбу масалалар илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: чет тиллар олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2012. –432 б.; Андриянова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников устноречевому общению на русском языке: дис.док.пед.наук. –Т., 1997. –350 с.; Саттаров Т.К. Методическое содержание обучения активной грамматике английского языка в узбекской средней школе: дис.канд.пед.наук. –Т., 1982. –168 с.; Ахмедова Л.Т., Кон О.В. Методика преподавания русского языка. –Т.: Фан ва технология, 2013. – 240 с.; Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межязыковой взаимодействия: дис.док.пед.наук. –Т., 2007. – 209 с.; Тухтасинов И.М. Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков: дис.док.пед.наук (DSc). –Т., 2018. – 203 с.; Ашуров Ш.С. Интернационализация системы преподавания иностранных языков в Узбекистане: этапы эволюции и перспективы // Молодежь в науке и культуре XXI века, научные школы: материалы международного научно-творческого форума. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – С. 200-204.

<sup>2</sup> Қараходжаева М.Х. Нофилологик гуруҳ талабалари касбий нутқини феъл асосида шакллантириш методикаси: пед. фан. ном. дисс. – Т., 2002. –156 б; Махкамова Г.Т. Формирование навыков и умений устной

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан Р.П. Мильруд, А.А.Миролюбов, Н.Д.Гальскова, Н.И.Гез, Е.Н.Соловова, А.К. Крупченко, П.И.Образцов ва Д.Л.Матухин каби олимлар инглиз тилини ўқитиш масалаларини ўз илмий ишларида тадқиқ этишган<sup>1</sup>.

Шунингдек, хорижий мамлакатлардан, К.Баилей, С.Гох, С.Ричард ва С.Роджерс, Б.Эмили, Анна-Мария Стоикаларнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳам мавзу юзасидан диққат билан ўрганиб чиқилди<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган ва бошқа муаллифлар тадқиқотларининг, шубҳасиз, назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини назарда тутган ҳолда, таъкидлашимиз жоизки, Ўзбекистан Республикасидаги олий ўқув юртларининг иқтисодиёт таълим йўналиши талабаларига касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда, оғзаки нутқни тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмалари мужассамлигида, илғор таълим технологиялари ёрдамида комплекс ривожлантиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган эмас, демак, мазкур йўналишдаги масала ва муаммолар ушбу диссертация ишимизнинг долзарблигини асослашимизда далил бўла олади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, ўқув ишлаб чиқариш тизимида миллий, анъанавий

---

иноязычной речи у дошкольников: автореф.дис.кан.пед.наук. –Т., 2004. –40 с.; Махкамова Г.Т. Идея прогрессивизма в обучении языку специальности: илмий-амалий конф. материал. –Т., 2009. –150 с.; Ирмухаммедова Г.Н. Лингводидактические основы обучения критическому чтению аутентичных текстов. (на старших курсах экономических вузов): дис.кан.пед.наук. –Т., 2008. –208 с.; Икромхонова Ф.И. Инглиз тилидан коммуникатив-когнитив корректив курс назарияси ва амалиёти: пед.фан.ном.дисс.автореф. –Т., 2012. –71 б.; Складаниук А.Г. Методика обучения английской устной речи дошкольников: автореф. дисс. кан.пед.наук. –Т., 2015. – 51 с.; Кушиева Н.Х. Талабаларга инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятлари: фил.фан.фал.док.автореферати (PhD). –Т., 2020. –49 б.; Исроилова Д.М. Нофилологик олий ўқув юртларида талабаларни фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитиш (технология факультети мисолида): пед.фан.фал.док.автореферати (PhD). –Т., 2020. –59 б.; Носирова У.К. Инглиз тилини ўқитишда касб-хунар коллежлари талабаларининг нутқий компетенциясини ривожлантириш: пед.фан.фал.док.автореферати (PhD). –Т., 2020. – 51 б.;

<sup>1</sup> Мильруд Р.П. Определение понятия и сущности обучения английскому языку в специальных целях. Электронный ресурс: <https://www.iyazyki.prosv.ru> (дата обращения: 11.01.2019); Миролюбов А.А. Методика обучения иностранным языкам // Традиции и современность. –М., 2010. – 464 с.. Электронный ресурс: <https://www.labirint.ru/books/247362/> (дата обращения: 23.08.2019); Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам // Лингводидактика и методика: учеб, пособие для студ. лингв. ун-тов и фак, ин.яз. высш. пед. учеб. заведений. –Москва, 2006. –81 с.; Соловова Е.Н. Методика обучения иностранным языкам. Базовый курс лекций. –Москва: Просвещение, 2002. –239 с.; Крупченко А.К., Кузнецов А.Н. Основы профессиональной лингводидактики: Монография. –М.: АПКиППРО, 2015. –232 с.; Образцов П.И. Методы и методология психолого-педагогического исследования: учебное пос.. –Питер, 2004. –268 с; Матухин Д.Л. Обучение преподавателей нелингвистических специальностей устному иноязычному общению на основе культуротворческой среды (англ. язык): автореферат дис.канд.пед.наук. –Ярославль, 2009. –23 с.

<sup>2</sup> Bailey, K.M. Practical English Language Teaching: Speaking. –New York: McGraw.Hill, 2005. –257 p.; Goh, C. Teaching speaking in the language classroom. –Singapore: SEAMEO Regional Language Centre, 2007. –P. 46-47; Richard J.C., Rodgers Th.S. Approaches and Methods in Language Teaching. –England: Cambridge University Press, 2001. –P. 77-78; Emily, E.B. Examination of Task-Based Language Learning Methods on High School Students’ Oral Proficiency in French as a Foreign Language: abstract of doct.diss. –Northern Illinois University, Illinois, 2018. –99 p.; Anna-Maria STOICA. Methods for the assessment of ESP. –New York: Universities din Pitesti, 2006. –326-329 p..

базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” (2018-2021 й.й.) банди доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз тилини ўқитишда иқтисодиёт йўналиши талабаларининг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий ўқув юртлари иқтисодиёт йўналиши талабаларига касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг ўзига хос психологик ҳамда лингводидактик хусусиятларини тадқиқ этиш;

иқтисодиёт таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилидаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш жараёнида юзага келувчи муаммо ва қийинчиликларни таҳлил қилиш ҳамда зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

инглиз тилидаги оғзаки нутқни ривожлантиришда “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

бўлажак иқтисодчи-талабаларнинг касбга йўналтирилган инглиз тилидаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришда дискурсни ўрни ва аҳамиятини илмий асослаш;

оғзаки нутқни ривожлантиришда гапириш ҳамда тинглаб тушуниш кўникмаларини комплекс равишда такомиллаштирувчи машқ ва вазифалар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда инглиз тилидан аудитория машғулотларига татбиқ этиш; тажриба-синовлардан ўтказиш ва натижаларни умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий ўқув юртлари иқтисодиёт таълим йўналиши 1-босқич талабаларининг инглиз тилидаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** инглиз тилини ўқитишда оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш масалалари, таълим мазмуни, шакл ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Кўзланган мақсадларга эришиш учун тадқиқотда назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш), диагностик (сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш), прогнозтик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта тиклаш, натижаларни график тасвирлаш) ва бошқа методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги:**

касбга йўналтирилган оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришда “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологиясидан фойдаланиш схемаси ва тизимли айланма харитасини ишлаб чиқиш орқали мазкур технологиянинг “гуруҳ тадқиқот иши”, “диалог ва муҳокама”, “биргаликда ўрганиш” каби хусусий методлари такомиллаштирилган;

инглиз тилидаги оғзаки нутқни дискурсга таянган ҳолда ривожлантириш иқтисодчи талабаларнинг касб йўналиши доирасида фикр юритиши, нутқий фаолият ва тайёргарлик даражасини оширишда ҳамда жараёнда мотивацияни

таъминлашда муҳим ўрин тутиши асослаб берилган ва бунда ишбилармонлик дискурсининг “сўров, ҳисобот, маъруза, статистик таҳлил, муҳокама, суҳбат, хабарнома” каби мувофиқ турларидан фойдаланиш таклиф қилинган;

оғзаки нутқ кўникмаларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш бўйича баҳолаш мезонлари лингвистик ва психологик категорияларга ажратиш асосида такомиллаштирилган ва бу хотира, тахмин қилиш, мантиқий фикрлаш каби умумий психофизиологик механизмларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш имкониятини оширган;

оғзаки нутқнинг гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларини комплекс ривожлантиришда “тайёрловчи, асословчи ҳамда эркин мулоқотга чиқиш” типидида уч босқичли машқ ва вазифалар тизими интернет, радио-телевидение ва бошқа ОАВ аудитив ҳамда аудио-визуаль воситалари асосида ишлаб чиқилган, шу орқали талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш, мантиқий ва танқидий фикрлаш қобилиятлари ҳамда саводхонлик даражасини ошириш йўллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт таълим йўналиши 1-босқич B1/B2 (CEFR) билим даражасидаги талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки нутқини гапириш ҳамда тинглаб тушуниш кўникмалари узвийлигида “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологияси асосида ривожлантирувчи 3 босқичли машқ ва вазифалар тизими яратилган ҳамда “Инглиз тили” ўқув-услубий мажмуаси таркиби такомиллаштирилган;

олий ўқув юртлиги иқтисодиёт таълим йўналиши талабалари учун мазкур босқичма-босқич тизим асосида ишлаб чиқилган “Economical English” ўқув қўлланмаси яратилган;

талабаларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришда юзага келувчи қийинчиликларни педагогик, психологик ҳамда методик гуруҳларга ажратиш орқали амалдаги методик тавсиялар такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** унда қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий, методик, расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллари воситасида асосланганлиги, тадқиқот иши хулосалари, берилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт йўналиши талабаларига касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда оғзаки нутқни гапириш ҳамда тинглаб тушуниш кўникмалари комплексида инновацион таълим технологиялари ва методлари асосида ривожлантириш ҳолати такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тинглаб тушуниш ва гапириш нутқ фаолияти кўникмаларини узвий тарзда, комплекс тизимда “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологияси асосида амалга ошириш бўйича яратилган машқ ва топшириқлар тизими ҳамда “Economical English” ўқув

қўлланмасидан иқтисодиёт ва бошқа нофилологик йўналиш талабалари, шунингдек, молия, банк, солиқ соҳасидаги давлат хизматчиларининг малакасини ошириш жараёнида касбга йўналтирилган инглиз тилидаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришда, ўқув дастурлари ва янги авлод ўқув адабиётларини яратишда, махсус тил ўргатиш курсларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Олий таълим муассасалари иқтисодиёт таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот иши натижалари асосида:

нофилологик йўналиш талабаларига касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш бўйича таклиф этилган хулоса ва тавсиялардан ҳамда гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларини комплекс равишда “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологияси асосида ривожлантирувчи 3 босқичли машқ ва вазифалар тизими намуналаридан “ЭРАСМУС+” дастурининг ICM, КА-107, яъни “International Credit Mobility between European Union and Uzbekistan HEIs, through staff and student mobility exchange projects (Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида Халқаро тажриба алмашинуви доирасидаги кредит сафарбарлиги)” мавзусидаги лойиҳада олий ўқув юрти кадрлари ва талабалари ўртасида халқаро тажриба алмашинуви доирасида амалиётга татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги №-89-03-4452 сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа иштирокчилари, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки нутқ кўникмалари ривожлантирилган ва уларни эркин мулоқотга тайёрлаш самарадорлиги ошган;

талабаларга инглиз тилини ўқитишда оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш жараёнида юзага келувчи қийинчиликларни педагогик, психологик ва методик гуруҳларга ажратган ҳолда бартараф этиш имкониятлари бўйича берилган таклиф ва тавсиялардан, шунингдек, оғзаки нутқнинг ривожланганлик даражасини аниқлашда кўникмаларни лингвистик ва психологик категорияларга ажратиш оркали такомиллаштирган баҳолаш мезонларидан (“Economical English” ўқув қўлланмаси материаллари асосида) UzTESPING (“Uzbekistan teachers of English for specific purposes integrated networking group”) лойиҳаси доирасида “Developing ESP Teaching Materials” ҳамда “Innovative Approaches on Teaching ESP” мавзуларидаги семинар-тренингларда махсус мақсадларда инглиз тилини ўқитиш (ESP) бўйича материаллар яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 сентябрдаги №-89-03-3445 сон маълумотномаси). Натижада нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг методологик асослари такомиллаштирилган;

иқтисодиёт таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилидаги оғзаки нутқини ривожлантиришда гапириш ҳамда тинглаб тушуниш кўникмалари узвийлигида касбга йўналтирилган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган “Economical English” ўқув қўлланмаси нашр қилинган (Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлигининг 7 декабрдаги 648-сон буйруғи, №-648-054 сон гувоҳномаси). Натижада, бўлажак иқтисодчи талабаларнинг инглиз тилидаги тинглаб тушуниш ва гапириш, шунингдек, ўқиш ва ёзув фаолиятларини касбга йўналтирган ҳолда такомиллаштиришга ва умумий билимларини оширишга эришилган;

касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда бўлажак иқтисодчи талабаларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини дискурс асосида ривожлантириш бўйича берилган илмий таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O`zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан “Таълим ва тараққиёт”, “Бедорлик” номли эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган (“O`zbekiston” телерадиоканалининг 2020 йил 4 ноябрдаги O`z/k-04-25-1031 сон маълумотномаси). Натижада, иқтисодиёт йўналиши учун хорижий тил таълимида дискурснинг ўрни ва аҳамияти бўйича билдирилган илмий-амалий таклифлар радиотингловчиларга оммалаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг мазмуни 3 та республика ва 8 та халқаро миқёсда ўтказилган жами 11 та илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш ва 1 та ўқув қўлланма, шу жумладан, 6 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола (3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда), шунингдек, халқаро “SCOPUS” маълумотлар базасига киритилган, юқори импакт факторли журналда 1 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Шунингдек, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг қисқа мазмуни баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инглиз тилини ўқитишда иқтисодиёт йўналиши талабаларининг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида нофилологик йўналиш талабаларининг хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, инглиз тили

мисолида хорижий оғзаки нутқни ривожлантиришда гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларининг психологик ва лингводидактик хусусиятлари кўриб чиқилган.

Маълумки, олий таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг асосий мақсадлари тил ўрганувчиларнинг билим даражасига, касбий йўналишига қараб фарқланади. Бунда талабаларга инглиз тилини ўқитиш уларнинг таълим йўналишларини назарда тутган ҳолда I босқичда, асосан, ўқиш кўникмасини ривожлантиришга, ўз касбий соҳаси доирасида хорижий адабиётларни ўқиб тушунишни йўлга қўйишдан иборатдир. Бироқ, машҳур инглиз методисти С.Гох таъкидлаганидек, таълим олувчи ҳар қандай чет тилини ўрганиш жараёнига киришиши биланок, биринчи навбатда, унда ушбу тилда гапириш ва сўзлашиш эҳтиёжи пайдо бўлади<sup>1</sup>.

Нутқ сўзланаётган вақтда тингловчида қисқа муддатли (оператив) ва узок муддатли хотира, фикрлаш ҳамда воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш каби бир неча психологик механизмларга асосланган ички қобилиятлар бўлиши талаб этилади. Эшитиш жараёнида қисқа муддатли хотира айтилаётган гапнинг шаклий маъносини сақлашга хизмат қилади ва 3-4 сўзданоқ биз хабар мазмунини англаб оламиз (тахмин қилиш механизми). Гап тугаган заҳоти эшитилган маълумотларни онгда нутқий шаклдан инсоннинг ақлий шакли (тасвир, белги, тушунчалар)га ўтказиш бошланади. Айнан мана шу сабабга кўра, тинглаб тушунишда кўрғазмали аудиовизуал воситаларнинг аҳамияти муҳимдир. Бунда вербал ва новербал (қўл ва тана ҳаракатлари) ҳам мазмунни тушунишда ҳал қилувчи вазифани бажаради. Ушбу фактларга таянган ҳолда, тадқиқот ишимизда аудиал ва аудиовизуал материалларни нафақат тинглаб тушуниш, балки оғзаки нутқни комплекс ривожлантиришда таянч восита сифатида белгилаймиз.

Таъкидлаш жоизки, кўникманинг шаклланиши ҳамда ривожланишида “мотивация” сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Демак, ушбу жараённинг муваффақиятли бўлишида мотивацияни қўллаб-қувватлаш ҳамда уни кучайтириш зарур шартлардан бири ҳисобланади. Табиий мулоқот сўзловчиларда гапириш учун зарурат ҳосил бўлганда, жараённи вазият юзага келтирганда пайдо бўлади. Аудитория машғулотларида эса мотив вазият шартига кўра эмас, кўпинча ўқитувчининг буйруғи остида ҳосил бўлади. Натижада, фақат шакл жиҳатидан мавжуд бўлган фиктив нутқ юзага келади.

Олиб борилган тажриба-синов жараёнларида гувоҳ бўлдикки, иқтисодиёт йўналиши ва шу жумладан, бошқа нофилологик йўналиш талабалари учун ушбу жараёндаги энг асосий масала ўз фикрларини тўлиқ, изчил ва мантиқий узвийликда ифодалаш ҳамда уни ташкил этишда касбий лексикадан тўғри ва самарали фойдалана олиш ҳисобланади. Муаммонинг туб моҳияти шундаки, талабаларнинг она тилида баён этилган нутқда асосий эътибор таркибга, яъни “нимани айтишга” қаратилади. Керакли тил воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш, уларни оператив хотирада

---

<sup>1</sup> Goh, C. Teaching speaking in the language classroom. – Singapore: SEAMEO Regional Language Centre, 2007. – 46-47 p.

сақлаш – автоматлашган тарзда – сўзловчининг онгли назоратисиз амалга ошади. Хорижий тилдаги оғзаки нутқ жараёнида эса иқтисодиёт йўналиши талабалари бутун диққатини “қандай айтиш”га қаратгани ҳолда, ўз мулоҳазаларини изоҳлаш, танқидий таҳлил қилишни тақозо этувчи нутқ вазиятларида баёнотнинг мазмуний таркибига эътибор қаратмайди.

Мазкур бобда, шунингдек, мавзу доирасида ўқув адабиётлари таҳлил қилинган, бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрганилган ва умумлаштирилган. Бунда ўқув дастурларида чет тили фани икки босқич (умумий ҳамда касбга йўналтириш) қамраб олиши белгиланган. Бироқ бугунги кунда бакалавр босқичини оптималлаштириш, мутахассисликка 1-курсдан бошлаб йўналтириш жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда муҳим вазифага айланиб бораётганлиги таъкидланган. Қўйилган мақсадларга эришишда ДТС ҳар бир аудитория машғулотида нутқ фаолияти турлари учун вақт тақсимоли куйидаги нисбатда бўлишини кўзда тутади: тинглаб тушуниш – 25%; гапириш – 25%; ўқиш – 30%; ёзиш – 20% (1.1-расмга қаранг):




### 1.1-расм. Инглиз тилидан аудитория машғулотларида нутқ фаолияти турларини ривожлантириш бўйича вақт тақсимоли

Кўриниб турганидек, гапириш ва тинглаб тушуниш нутқ фаолиятлари комплекс ривожлантирилганда аудитория машғулотининг асосий қисмини ташкил этади, демакки, алоҳида ёндашув ва махсус тайёргарликни талаб этади. Бироқ амалий дарс машғулотларини таҳлил қилиш жараёнида ушбу кўрсатмаларга жиддий эътибор қаратилмаётганига гувоҳ бўлдик. Яъни, ўқиш – 40% (32 дақиқа), гапириш – 20% (16 дақиқа), тинглаб тушуниш – 17,5 % (14 дақиқа) ва ёзув – 22,5% (18 дақиқа) нисбатида эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, ДТСда В2 даража битирувчилари тайёргарлик даражасига қўйиладган талабларда тинглаб тушуниш бўйича радио ва телерепортаж, янгилик, интервью, ҳужжатли фильм кабиларни тинглаш ва томоша қилиш орқали ўрганилаётган тил эгасини, шунингдек, маъруза, тақдимот ва мунозараларни тинглаб тушуниши ва улардан бевосита ўзи ҳам мулоқот жараёнида фойдалана олиши лозимлиги акс этган.

Аммо тайёрланган ўқув, ишчи ўқув дастурларида оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш учун таклиф этилган мавзулар таҳлилида, мазкур кўрсатмалар назарда тутилмаётганлиги ёки танлаб олинган

аудиовизуаль воситаларда касбга йўналтирилганлик, аутентиклик хусусиятларига, шунингдек, уларда талабанинг мантиқий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини ҳам узвий тарзда ривожлантириб боришга етарли эътибор қаратилмаётгани аниқланди. Натижада, талабалардаги оғзаки нутқ кўникмаларининг ривожланганлик даражаси таълим стандартларига мувофиқ келмайди.

Диссертациянинг **“Бўлажак иқтисодчи-талабаларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш мазмуни, шакл ва воситалари”** номли иккинчи бобида ўрганилаётган хорижий тилдаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришда талабаларнинг бўлажак касбий мутахассислигига хос дискурс турини тадбиқ қилиш, жараённинг самарали олиб борилишида муҳим таъсир кўрсатиши асослаб берилган. Бунда, талабаларнинг касб йўналиши доирасида қайси дискурс турига аҳамият қаратиш талаб этилса, ўша жабҳадаги фикр майдонига кириб борилади. Яъни, муайян соҳадаги махсус атамалардан фойдаланган ҳолда, мутахассисликка оид мулоқот вазиятларида сўзлашиш, ўз позициясини асослаб бериш, муҳокама ва мунозара қилиш дискурсига эга бўлиш лозимлигини таъкидлаймиз. Дискурснинг инглиз тилидаги оғзаки нутқни ривожлантиришдаги аҳамиятини назарда тутган ҳолда, иқтисодиёт таълим йўналишида ишбилармонлик дискурсини қуйидаги специфик турларга ажратишни таклиф қиламиз (1.2-расмга қаранг):



**1.2-расм. “Иқтисодиёт” таълим йўналишига оид оғзаки нутқ дискурсининг специфик турлари (нутқ баёноtlари)**

Ишбилармонлик дискурсининг специфик турларини таклиф этишда, иқтисодиёт йўналиши талабаларининг касбий вазифалари (банк, молия, солиқ йўналишларида мижозлар билан мулоқот қилиш, халқаро ҳамкорлар билан ўзаро тажриба алмашиш, ўз соҳаси доирасида тақдимотлар қилиш, жаҳон янгиликлари (“Business news”) билан танишишдан иборат эканлигига асосландик.

Шунингдек, мазкур бобда хорижий тил таълимида оғзаки нутқни ривожлантириш, талабаларнинг ўрганилаётган чет тилида ўз фикр-мулоҳазаларини коммуникатив мақсад ва нутқ мазмунига мувофиқ келадиган тил воситаларини тўғри танлаган ҳолда ифода этиши ва худди шу тартибда нутқни қабул қилиши (тушуниш) заруратини назарда тутган ҳолда, мазкур жараёнда юзага келадиган типик хатолар, мавжуд муаммо ва камчиликлар тинглаб тушуниш ва гапириш аспектларида жадвал асосида батафсил ўрганилди ҳамда бартараф этиш бўйича тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилди (1.1-жадвалга қаранг):

**Гапириш ва тинглаб тушуниш нутқ фаолиятларини ривожлантиришда юзага келувчи муаммо ва қийинчиликлар тавсифи ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар**


Тур	Муаммо ва қийинчиликларнинг тавсифи	Бартараф этиш бўйича таклиф ва хулосалар
<b>Гапириш нутқ фаолиятини ривожлантиришда юзага келувчи муаммолар</b>		
<b>Лингвистик қийинчиликлар</b>	<p>1. Касбий (иктисодий) лексиканинг етарли эмаслиги, ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалашда уларни маъно-мазмун жиҳатдан тез ва тўғри қўллай олмаслик; мулоқот жараёнида актив сўз бойлигининг камлиги. Бу ўз ўрнида зарур лексик материалдан фойдаланиш, муайян грамматик коидалар ҳамда фонетик меъёрнинг ҳам бузилишига олиб келади.</p> <p>2. Оғзаки нутқнинг динамик (жонли тарзда содир бўлиш) хусусиятига кўра нутқнинг мантикий кетма-кетлигини, узвийлик ва изчиллигини таъминлай олмаслик. Натижада, ортиқча тўхтам (пауза) ларнинг юзага келиши.</p> <p>3. Оҳанг (ритм), интонациянинг тўғри танланмаслиги; талаффуз меъёрлари, сўз урғусидан нотўғри фойдаланиш;</p> <p>4. Нутқ намуналари, жумлаларни тўғри қўллай олмаслик; тайёр нутқий колиплардан чиқиб кета олмаслик, нутқнинг монотон (бир оҳангда)лиги;</p> <p>5. Луқма ташлаш, гап қистириш (репликалар)нинг кенг қўлланиши: “-Welcome to our business interview! –Thanks for having me” каби; Гап ва жумлаларнинг қисқа тузилиши: “We`re having some cash flow and need a favour! (I need your help)” каби; қисқартирилган шаклларнинг кенг қўлланиши: “A.O.B. (any other business); F.O.C. (free of charge); LTD (limited company); C.I.F. (cost, insurance, freight); V.A.T. (value added tax)” кабилар.</p>	<p>Мазкур муаммолар оғзаки нутқ кўникмаларининг етарлича ривожланмагани оқибатида юзага келади. Ўқитувчи талабаларнинг мавжуд билим бўшлиқларини тўлдиришда нутқий ҳамда лисоний таянч воситаларидан тўғри фойдаланиши лозим. Бунда нафақат лисоний таянч воситалар (калит сўзлар, режа, мантикий занжир ёки чизмалар) балки новербал воситалар ҳам қўл келади (аудио-видео воситалар, иллюстрациялар ва х.к). Шунингдек, хорижий тил таълими она тилига суяниш ва таққослаш асосида қурилиши лозим. Тўғри талаффузга оид муаммоларни бартараф этишда нафақат таълим жараёнига урғу бериш, балки талабалардаги автономликни ривожлантириш, уларни мустақил тил ўрганувчиларига айлантириш орқали таълим жараёнини аудиториядан ташқарида ҳам давом эттириш ёрдам беради.</p>
<b>Психологик қийинчиликлар</b>	<p>6. Фикр объектини ўйлаб кўришда юқори тезлик талаб этилиши (нутқ шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда);</p> <p>7. Нутқ кўникмаларининг автоматлашган ва автоматлашмаганлиги (нутқнинг лингвистик хусусиятларига боғлиқ);</p> <p>8. Хато қилишдан чўчиш (талабаларнинг асосан балоғат ёшида бўлишини инобатга олган ҳолда, хато қилиш ва натижада атрофдагилардан уялиш, салбий фикрлардан чўчиш уларда ўрганилаётган хорижий тилда мулоқот қилишдан қочишнинг асосий сабаблари ҳисобланади;</p> <p>9. Янги мавзу юзасидан етарлича маълумотларга эга эмаслик натижасида мулоқот қилишда мотивациянинг сустлиги;</p> <p>10. Фикрнинг бўлиниши ёки ишончсизлик, ортиқча тўхтамларга йўл қўйиш.</p>	<p>Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида баҳс-мунозара шаклидаги машғулотлар олтидан қисқа диалогик фаолият турларидан фойдаланиш, мустаҳ-камлаш ва такрорлаш ишларига ўз вақтида муурожаат қилиш лозим. Шунингдек, аудиторияда ва дарсдан ташқарида ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстона муҳитни яратиш лозим. Айнан ушбу вазифада кичик гуруҳларда ишлаш, яъни таълимни “ҳамкорликда ишлаш” орқали ташкил қилиш ижобий натижа беради.</p>

<b>Методик қийинчиликлар</b>	11. Шунингдек, жараёнда юзага келиши мумкин бўлган қуйидаги методик қийинчиликлар ҳам мавжуд: бир талаба сўзлаганда бошқаларнинг чалғиб қолиши; кичик гуруҳларда ишлашда назоратнинг пасайиши билан мулоқотни она тилида давом эттириш, вақт меъёрларига риоя қилиш ва бошқалар.	Хорижий тил машғулотларига ўқитувчи кичик деталларга қадар тайёрланган ҳолда келиши муҳимдир: турли қизиқарли расмлар, қўшимча материаллар, чизма, жадвал, расм, сўнгги янгиликлар ва бошқалар бу каби вазиятларда қўл келади.
<b>Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятини ривожлантиришда юзага келувчи муаммолар</b>		
<b>Психологик қийинчиликлар</b>	1. Сухбатдошни тинглаш ва уни тушунишда жараёнинг тез ва мураккаблиги. Натижада, нутқ жараёнида ички нутқнинг етарлича шаклланмаслиги. 2. Сўзловчининг ўзидан жонли нутқни тинглаш. 3. Нутқнинг тембри. 4. Нутқнинг тезлиги. 5. Дикқат-этибор. 6. Тинглаб тушуниш жараёнининг таянч воситаларсиз бўлиши.	Тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришдан аввал эшитиш - моторик алоқалари ва нутқ-моторли кўникмаларни ривожлан-тиришга эътибор қаратиш лозим. Зеро, тинглаб тушуниш ташқи фаол нутқ натижасида эмас, балки эшитиш қобилиятининг ҳам мутаносиб амалиёти натижасида ривожланади.
<b>Лингвистик қийинчиликлар:</b>	7. Фонетик: сўзларнинг нотўғри талаффуз қилиниши, натижада икки тилдаги қарама-қарши товушларни тинглаб фарқлашдаги муаммолар. 8. Лексик: сўзларнинг нотаниш, бир ва кўп маъноли бўлиши, конверсия. 9. Грамматик: замонлар, грамматик шакллар, гап тузилиши каби (грамматик қийинчиликлар, асосан, инглиз тилининг аналитик тиллар сирасига киришидан келиб чиқишини таъкидлаш лозим: to work-work; to answer-answer каби). 10. Стилистик: тинглаб тушунишда асл сўзлашувчиларнинг нутқига хос бўлган шева ва жаргонларнинг мазмунини тўғри тушунмаслик каби.	Мазкур турдаги муаммоларни бартараф этишда, машқ ва вазифаларни аввал тайёрловчи, сўнг ривожлантирувчи гуруҳларга ажратган ҳолда ташкил этиш тавсия этилади. Грамматик муаммоларни бартараф этишда уларни тинглаб тушунишни қийинлаштирувчи (сифат ҳамда феълнинг шахс қўшимчалари) ва қийинлаштирмайдиган (замонлар, сўроқ гаплар, гапларнинг синтактик мураккабликлари каби) турларга бўлиш тавсия этилади.
<b>Экстралингвистик қийинчиликлар</b>	11. Нутқнинг механик бўлиши. Нутқни фонограммадан, видео-фонограммадан тинглаш. 12. Нутқнинг муайян шахс, нарса ёки ҳодисага қаратилган бўлиши (хабарнинг индивидуаллиги). 13. Тинглаб тушуниш жараёнида аудиториядаги вазият ва шароитнинг, талабаларнинг интизоми, шовқини, уларнинг кўп ёки камлиги каби жиҳатларнинг аҳамияти.	Бунда талабалар кўпроқ аутентик аудиал материаллар билан таъминланиши ва тинглаб тушуниш жараёнида жуфтлик ёки кичик гуруҳларда ишлаш каби фаолият турларидан фойдаланиш лозим. Шунингдек, ҳар бир талаба учун алоҳида вақт ажратиш, хавотирлик ҳиссини енгиш ва рухий мўтадилликни таъминлаш муҳим.

Ушбу таклиф ва хулосалар, шунингдек, мувофиқ таълим усул ва методларини бириктирган ҳолда, гапириш ҳамда тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган машқ ва вазифалар тизими ишлаб чиқилди ва талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки нутқини ривожлантиришда самарадорликка эришилди. Мазкур муаммо ва қийинчиликларнинг лингвистик, психологик ва методик жиҳатларини ўрганиш, шунингдек, ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилиш, ушбу тадқиқот ишимизда лингвистик, психологик, методик ва талаба иштироки омиллари интеграциясида талабалар оғзаки нутқ

кўникмаларини ривожлантириш бўйича мавжуд методик тавсияларни янада такомиллаштиришимизда асос бўлди.

Ушбу таклиф ва тавсияларни куйидаги чизма орқали умумий кўриб чиқишимиз мумкин (1.3-расмга қаранг):



### 1.3-расм. Инглиз тилидаги оғзаки нутқни ривожлантириш бўйича таклиф этилган методик тавсиялар

Мазкур тавсиялар асосида, нофилологик талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки нутқини такомиллаштириш жараёнини самарали ташкил этишга, натижада, таълим унумдорлигини сезиларли даражада оширишга эришилди. Шунингдек, ушбу бобда касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологиясининг ўрни ва аҳамияти ўрганилди, ушбу технология асосида оғзаки нутқни ривожлантиришда жараёни табиий ва ситуацион тарзда амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Мавжуд афзалликлар ва камчиликлар таҳлил қилинди, жараёни муваффақиятли ташкил этишда талаб этилувчи ўқитувчи позицияси ва талаба позициялари белгилаб берилди.

Якка тартибда ёки беллашув тарзидаги машғулотлар билан таққослаганда, кичик гуруҳларда ўзаро ҳамкорликда ишлаш орқали вазифа бажариш, материални муҳокама қилиш ва уни чуқур англашда аргументатив-концептуал қобилиятларни такомиллаштиради. Бунда нафақат янги мавзуни ўрганиш ёки муҳокама қилиш, балки уни биргаликда англаш вазифаси устуворлик қилади. Мазкур таълим технологиясининг яна бир афзаллиги, нофилолог талабалар хорижий тилдаги билим даражаси бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан, барча тил ўрганувчилар таълим жараёнининг тенг

ҳуқуқли иштирокчисига айланади, таълим самарадорлигига, шунингдек, вақт тежамкорлигига ҳисса қўшади. Иқтисодиёт йўналиши талабаларининг инглиз тилидаги оғзаки нутқини ривожлантиришда мазкур таълим технологиясининг қуйидаги асосий компонентларини таъкидлаймиз ва ундан фойдаланишнинг тизимли айланма харитасини таклиф этамиз. Буни ушбу чизма орқали умумий тасвирлашимиз мумкин (1.4-расмга қаранг):



**1.4-расм. Иқтисодиёт йўналиши талабаларининг оғзаки нутқини ривожлантиришда “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологиясидан фойдаланишнинг тизимли айланма харитаси**

Диссертациянинг иккинчи бобида талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш бўйича 3 босқичли машқ ва вазифалар тизими тақдим этилган. Ишлаб чиқилган мазкур машқ ва вазифалар тизими инглиз тилини ўқитишда иқтисодиёт йўналиши талабаларининг оғзаки нутқини ривожлантиришда гапириш ҳамда тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларини комплекс равишда “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологияси асосида такомиллаштиришни кўзда тутди. Бунда асосий 3 босқичда иш олиб борилади ва ҳар бир босқич ўз ичига 2 турдаги машқ ва вазифаларни қамраб олади. I босқичда, даставвал, тайёрловчи машқ ва вазифалар олиб борилади. Унинг вазифаси тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаларининг перцептив-сенсор асосини ривожлантириш ва жараёнда юзага келувчи лингвистик ва психологик қийинчилик ҳамда тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Босқич ўз ичига 2 турдаги машқ ва вазифалар тизимини қамраб олади:

1. Лисоний қийинчилик ва муаммоларни ечиш;
2. Психологик тўсиқларни бартараф этиш.


Ҳар бир турдаги машқ ва вазифалар тизими ўз ўрнида яна ички гуруҳларга ажратилади. Биринчи турдаги лисоний қийинчиликларни енгишга қаратилган машқ ва вазифалар тинглаб тушуниш жараёнидаги фонетик, лексик ва грамматик қийинчиликларни енгишга қаратилади.

Иккинчи тур – психологик омилларни ривожлантиришга йўналтирилган машқ ва вазифалар ҳам ўз ичига қуйидаги қўшимча гуруҳларга ажратилади:

- 1) хотира механизминини ривожлантирувчи
- 2) тахмин қилиш механизминини ривожлантирувчи

### 3) мантиқий фикрлаш механизмини ривожлантирувчи

Тизимнинг умумий кўринишини ушбу чизма орқали изоҳлашимиз мумкин (1.5-расмга қаранг):



**1.5-расм. Машқ ва вазифалар тизимининг умумий кўриниши**

Биринчи турдаги машқ ва вазифалар тизими тинглаб тушунишдаги специфик кўникмаларни, иккинчи турдагилар эса нутқ механизмларининг психологик асосини ривожлантиришга қаратилади. Таъкидлаш жоизки, мантиқий фикрлаш, тахмин қилиш ва хотира умумий-функционал механизмлар бўлгани сабаб, тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаларини биргаликда, комплекс тизимда ривожлантиришга ёрдам беради<sup>1</sup>. Нутқ фаолиятида “тахмин қилиш” қобиляти – тингловчи ёки сўзловчининг қабул қилинаётган, узатилаётган маълумот ёки оғзаки баёнотни маълум даражадаги аниқлик билан, реал вақт кесимида мазмуний-лисоний жиҳатдан онгли тарзда тахмин қилиш, мантиқан тафаккур қилиш ва аввалдан кўриш жараёнидир. Демак, бунда икки жиҳатга асосий урғу берилади:

1. Узатиш (продукция) ва қабул қилиш (рецепция)да тахмин қилиш ҳамда мантиқий фикрлаш хусусиятлари;
2. Мазмунан ва лисоний даражада тахмин қилиш ва мантиқий фикрлаш хусусиятлари.

<sup>1</sup> Масаланинг психоллингвистик жиҳатларини асослашда Л.С.Выготский, Н.И.Жинкин, И.П.Павлов, А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя каби атоқли психологларнинг назарий фикрларига, шунингдек, О.А.Титованинг диссертация ишларига, Ж.Ж.Жалолов, Ф.И.Икромхонова., К.Ш.Мурадкасимоваларнинг илмий тадқиқот ишларига таянилган.

Методик нуктаи назаридан айнан лисоний тахмин қилиш хорижий тилдаги оғзаки нутқ жараёнининг муҳим элементиدير. Бунда оғзаки баёнот кодларини ечиш иккинчи даражали аҳамият касб этгани сабаб, мазмуний тахмин қилиш (фикрлаш жараёнининг узвий қисми) орқа фонга ўтади. Бирок ҳар икки турнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини назарда тутиш лозим. Мазкур диссертация ишида, лисоний тахмин қилиш кўникмаларини ривожлантириш воситасида иқтисодиёт йўналиши талабаларининг фикрлаш, англаш, мазмунни олдиндан кўра билиш ва шу асосида мантиқий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини ҳам узвий такомиллаштиришга эришдик.

Изланишлар жараёнида гувоҳ бўлдики, нофилологик ва шу жумладан, иқтисодиёт йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда мазкур жиҳатларга етарлича эътибор қаратилмайди. Натижада, оғзаки нутқни эгаллаш кўрсаткичлари талаб этилган даражага чиқа олмайди. Қуйида ишлаб чиқилган, тахмин қилиш кўникмаларини ривожлантириш воситасида талабаларнинг фикрлаш, англаш, мазмунни олдиндан кўра билиш ва мантиқий фикрлаш қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган машқ ва вазифалар тизимини жадвал асосида кўриб чиқамиз (1.2-жадвалга қараңг):

## 1.2-жадвал

### Мантиқий фикрлаш механизмини ривожлантириш бўйича машқ ва вазифалар

№	Машқ ва вазифалар тавсифи	Метод ва усуллар
1	Муайян мавзу ёки хабарни ифода этган матнни тингланг, ҳамда унда биринчи ва иккинчи даражали маълумотни аниқланг, ўз фикрингизни изоҳлаб беринг.	“Story telling”
2	Кўшма ёки эргаш гап орқали ифодаланган хабарни тингланг, унинг мазмунини қисқа шаклда қайта гапириб беринг	“Group discussions”
3	Икки ёки ундан ортиқ гапдан иборат маълумот ёки хабарни тингланг, унинг мазмунини қисқа шаклда ифодаланг.	“Describing” (Тасвирлаш)
4	Бир неча мураккаб фразалардан иборат хабарни тингланг, унинг мазмунини аниқлашга ҳаракат қилинг, маълумотнинг асосий мақсадини, мазмунини қисқа тарзда ифода этинг	“Information Gap”
5	Хабарни тингланг, даставвал, қисқа жавоб талаб қилувчи (who, what, whose, where каби) саволларга, сўнг кенг фикрни талаб этувчи (why questions) саволларга жавоб қайтаринг. Мураккаб матнни тингланг (100-150 сўздан ошмаган), унда асосий маълумотларни ажратинг ва ўз сўзингиз билан қайта ҳикоя қилиб беринг.	“Guessing the logical ending”  “Jig saw speaking”
6	Муайян муаммони ёритиш, баён этишга қаратилган аудио/видео лавҳа (телекўрсатувни) томоша қилинг ҳамда: а) асосий фикр ёки мақсадни шакллантиринг; б) муаммони қисқа шаклда ифодалаб беринг; в) бир қанча вариантлар орқали ечимларни таклиф қилинг; г) биринчи ва иккинчи даражали фикрлар ёки маълумотларни аниқланг; д) бир неча кичик қисмларга ажратинг ва сарлавҳа беринг; е) субъектив ва объектив характердаги маълумотларни аниқланг, муаллиф фикрини “ёқловчи” ва “қарши чиқувчи” жиҳатларни кўриб чиқинг ва далилланг.	“Reporting”  “Small group Discussions”  “Tell the continuation of the story”

II босқич (гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларини комплекс тизимда тайёргарлик асосида монологик ва диалогик нутқ орқали ривожлантириш босқичи)да оғзаки матн устида ишлашда нутқнинг умумий функционал механизмларини ривожлантиришга қаратилган машқ ва вазифалар устида иш олиб борилади. Бу аудитив ва аудиовизуал материалларни тинглаб тушуниш орқали тайёргарлик асосида оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратилган нутқий машқ ва вазифалар бўлиб, уларда таянч сўз ва жумлалар асосида нутққа киришиш, фикрларни мантиқий узвийликда тузиш, матн мазмунига муносабат билдириш, ўз фикрини изчилликда баён этиш, муайян фикрга розилик ёки қаршилик қилишда ўз баёнотини тўғри тузиш, тингловчининг руҳий-эмоционал ҳолатига муносабат билдириш каби кўникма ва малакалар устида иш олиб борилган.

